



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (12.009)

Баҳоси эркин нархда

XXI сандоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Пойтахтимиздаги темирйўлчилар марказий маданият саройида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олидириш бўйича 2011 йилги мавсум ташкилотчиларининг республика форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу форумда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, оромгоҳларнинг раҳбарлари иштирок этди.
- Бойсун туманидаги «Нуралиев Шерали» хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 50 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.
- Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шаҳар Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда худуддаги 88 та корхона бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада олий таълим муассасаларини тамомлаган 40 нафарга яқин ёшлар янги жамоалар билан меҳнат шартномаларини имзолади.
- Ширин шаҳрида фаолият юритаётган «Савдо энерго» жамияти томонидан мухтажам тўйхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига қад роллаган ушбу мажмуада турли маросимларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.
- Навой кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси жамоаси ташаббуси билан иккита кўп қаватли бино мукамал таъмирдан чиқарилиб, оилавий ётоқхонага айлантирилди. Бунинг учун қарийб 400 миллион сўм сарфланди.

● Франкия пойтахти Парижда ва бошқа йирик шаҳарларда ўқитувчиларнинг боғча, лицей ва коллежларда иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди, дея хабар беради Франция оммавий ахборот воситалари.

● Американинг «Brady Center to Prevent Gun Violence» ташкилоти эълон қилган маърузада қайд этилишича, 2009 йилдан бери мамлакатдаги қурола-яроғ ишлаб чиқарувчи заводларда 16 мингдан ортиқ қурола-аслаҳа йўқолган. Жорий йилнинг августидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси, ўқотар қуроллар ва портловчи моддалар назорати бўйича бюро (АТФ) эълон қилган статистик маълумотлар таҳлилидан сўнг шундай хулосага келинди.

● Таллин шаҳри мэри Эдгар Сависаар Таллин — Нарва шоҳқўчасида белгиланган қондани кўпол равишда бузгани учун полиция томонидан тўхта-тилди. Шаҳар мэрининг айби шунки, дея хабар беради Эстониянинг «Postimees» газетаси, у соатига 90 километрдан ортиқ тезликда автомобиль ҳайдаш тақиқланган кўчада 137 километр тезликда ҳаракатланган. У айбини тан олиб, жамоатчилик олдида кечирим сўради ва барчани йўл қодаларига қатъий риоя этишга чакирди.

● Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово шимолида КFOB ҳарбийлари ва серблар ўртасидаги можароларига қаратилган фавқулодда йиғилиши бўлиб ўтди. Бутунжаҳон ташкилоти Бош Қароргоҳининг хабарига кўра, йиғилиш ёпиқ тарзда ўтказилди. Сешанба кунини Сербия маъмурий чегарасида маҳаллий аҳоли ва халқаро КFOB кучи вакиллари тўқнашувни юз берган. Серблар Косово божхона ва полиция ишига халақит беришга уринган. Унинг натижасида тўрт нафар ҳарбийлар ва етти нафар серблар ярдор бўлган.

● Мамлакатнинг йирик партияларидан бири Швейцария Халқ партияси (SVP) Марказий банкнинг маҳаллий аҳолига олтин сотишини тақиқловчи Конституцияга ўзгартириш киритиш ва референдум ўтказиш таклифи билан чиқди.

ЖАҲОНДА

● Франция пойтахти Парижда ва бошқа йирик шаҳарларда ўқитувчиларнинг боғча, лицей ва коллежларда иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди, дея хабар беради Франция оммавий ахборот воситалари.

● Американинг «Brady Center to Prevent Gun Violence» ташкилоти эълон қилган маърузада қайд этилишича, 2009 йилдан бери мамлакатдаги қурола-яроғ ишлаб чиқарувчи заводларда 16 мингдан ортиқ қурола-аслаҳа йўқолган. Жорий йилнинг августидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси, ўқотар қуроллар ва портловчи моддалар назорати бўйича бюро (АТФ) эълон қилган статистик маълумотлар таҳлилидан сўнг шундай хулосага келинди.

● Таллин шаҳри мэри Эдгар Сависаар Таллин — Нарва шоҳқўчасида белгиланган қондани кўпол равишда бузгани учун полиция томонидан тўхта-тилди. Шаҳар мэрининг айби шунки, дея хабар беради Эстониянинг «Postimees» газетаси, у соатига 90 километрдан ортиқ тезликда автомобиль ҳайдаш тақиқланган кўчада 137 километр тезликда ҳаракатланган. У айбини тан олиб, жамоатчилик олдида кечирим сўради ва барчани йўл қодаларига қатъий риоя этишга чакирди.

● Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово шимолида КFOB ҳарбийлари ва серблар ўртасидаги можароларига қаратилган фавқулодда йиғилиши бўлиб ўтди. Бутунжаҳон ташкилоти Бош Қароргоҳининг хабарига кўра, йиғилиш ёпиқ тарзда ўтказилди. Сешанба кунини Сербия маъмурий чегарасида маҳаллий аҳоли ва халқаро КFOB кучи вакиллари тўқнашувни юз берган. Серблар Косово божхона ва полиция ишига халақит беришга уринган. Унинг натижасида тўрт нафар ҳарбийлар ва етти нафар серблар ярдор бўлган.

● Мамлакатнинг йирик партияларидан бири Швейцария Халқ партияси (SVP) Марказий банкнинг маҳаллий аҳолига олтин сотишини тақиқловчи Конституцияга ўзгартириш киритиш ва референдум ўтказиш таклифи билан чиқди.

АКТ ҳафталиги ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуида Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида аънавий «ICTExpo-2011» ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси бошланди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов ва бошқалар замонавий ахборот технологияларини жорий этиш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлигини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз бу борада улкан ютуқларга эришмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, бу борадаги давлат сиёсати мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

«ICTExpo-2011» Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ўтказилмоқда. Кўргазманинг бир пайтада учта шаҳарда ўтказиладигани мамлакатимизда ахборот технологияларини жорий этишнинг худудий даражаси ҳам изчил ошаётганлигидан далolatдир. Бу ерга ташриф буюрадиганлар учун ташкил этилган веб-трансляция уларга реал вақт режимида бир йўла учала кўргазма экспонатлари билан танишиш имкони беради.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «ICTExpo» Марказий Осиё минтақасида муҳим ва нуфузли кўргазмалардан бирига айланди. Икки юздан зиёд иштирокчи компания учта шаҳарда ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликларни намойиш этмоқда. Бу ахборот ва коммуникация ноу-хауларини яратиш соҳаси мутахассисларининг ўзига хос мулоқотида. Кўргазмада мамлакатимиз компанияларидан ташқари Хитой, Жанубий Корея, Германия, Россия, Украина, Австрия, Венгрия ва бошқа давлатлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Улар мобил тармоқлардан кенг полосули фойдаланиш хизматлари, рақамли телевидение технологиялари, теледидео соҳасидаги лойиҳалар ва бошқа кўплаб янгиликларни тақлиф этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ти Б.Абдухалимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раиси Б.Алимов, навоийшунос олимлар, академик А.Қаюмов ва профессор С.Фаниева, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шoirлари Э.Воҳидов ва А.Орипов, Озарбойжон Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институти профессорлари, навоийшунос олимлар Н.Орасли, О.Улвий ва бошқалар мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар силсиласида Алишер Навоий ижоди маънавият, дид ва эътиқод фалсафаси сифатида янада кадр ва эъзо топаётганини таъкидладилар. Улуғ шoir асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий меросидир. Zero, бадий тафаккур қонуниятларидан бохабар инсон борки, уларнинг инсон тасаввури ва тафаккуридаги ноёб бадий-эстетик ҳодиса эканини тан олади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллиятимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган улмас сўз санъаткоридир.

(Давоми 2-бетда)

публика рассомлик коллежи ҳамда «Баркамол авлод» шаҳар болалар маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 162-мактабда ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишлаб ҳамда мактабнинг 50 йиллиги муносабати билан байрам кечаси ташкил этилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида матбаачилик, ноширлик, реклама, дизайн каби соҳалар ҳамда канцелярия маҳсулотларининг XIII халқаро кўргазмаси бошланди.



МАТБААЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Юртимиз ҳамда хоризждан саксонга яқин компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётган тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда матбаачиликни ривожлантириш, ички бозорни сифатли полиграфия маҳсулотлари билан тўлдиршига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Кўргазмадан мақсад ҳам аҳоли кенг қатламлари ва халқаро ҳамжамиятнинг миллий оммавий ахборот воситаларимиз салоҳияти, наширёт ва матбаа бозорининг равнақи ҳамда кичик бизнес вакилларининг экспорт имкониятлари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Кўргазмада матбаачилик технологиялари, ихчам полиграфия асбоб-ускуналари, наширёт ва реклама иши учун зарур жиҳозлар намойиш этилмоқда. Уларнинг аксарияти қоғозни тежаси, юқори самардорлиги билан иштирокчилар эътиборини тортмоқда.

Юртимиздаги «Hilton trade» компаниясида соҳага оид 50 турдаги ускуна, 30 дан ортиқ реклама жиҳозлари, 20 га яқин сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Утган йили компания томонидан буюртмачиларга шартнома асосида 200 миллион сўмлик маҳсулотлар етказилиб, хизматлар кўрсатилди. Бугунги кўргазмада компания полиграфия учун бўёқлар, баннер, харфлар ҳаракатланишига асосланган реклама тахталари, фотоқоғозлар каби маҳсулотларини тақлиф этмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган улкан эътибор самарасида реклама индустрияси ва полиграфия йўналишида фаолият юритаётган хусусий корхоналар сони ҳам ортмоқда.

Аънавий полиграфия кўргазмасида мунтазам иштирок этиб келяпмиз, — дейди пойтахтимиздаги «Office market» компаниясининг тижорат директори Мамасайд Ҳасанов. — Корхонамизда мингдан зиёд турдаги тақлифнома, реклама ва канцелярия маҳсулотлари тайёрланади.

Компаниямизда юқори сифатли қоғозларда турли хилдаги китоблар ва санъат асарлари чоп этилади, — дейди Украинанинг «Лилия холдинг групп» компаниясининг бўлим бошлиғи Марина Бацура. — Бизда қоғознинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар расм чизишга қизикадиган болалар ҳамда профессионал рассомларга мўлжалланган. Мазкур кўргазмада илк маротаба иштирок этипмиз. Юртингиз бозорларида ҳамкорлар топиш умидидамыз.

30 сентябрьга қадар давом этадиган кўргазма давомида иштирокчилар наширёт-полиграфия саноати ютуқлари билан яқиндан танишиш билан бирга замонавий технологияларни харид қилиш имконига ҳам эга бўлади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкентда 28 сентябрь кунини «Алишер Навоий ижоди ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.



ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ МАНГУ БУЛОҒИ

Инсониятнинг шу кунгача босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли эзгу мақсадларга фақат узлуксиз маънавий тарбия билангина эришиш мумкинлигини исботлаган. Zero, маънавият — инсон ҳаётининг асоси, иродани бақувват қиладиган ва виждонни уйғотадиган беқиёс куч, барча қарашларнинг муҳим мезонидир.

Эзгулик ва ёвузликнинг азалий кураши янада кескинлашган, умумбашарий қарашлар тизимида чуқур эвриллишлар юз бераётган, «оммавий маданият» нибоби остида зарарли ғоялар инсон маънавиятини емиришга уринаётган бугунги кунда мураккаб глобаллашув шароитида буюк мутафаккир бобомиз Ҳазрат Алишер Навоийнинг замон ва макон билмас бадийлик закосига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Беназир аждодимиз асарлари ҳаёт қомуши каби ҳаммиша тўғри йўлнинг ёруғ манзилини

кўрсатади, эгри йўлнинг аянчли оқибатларидан сабоқ беради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида пойтахтимизда ташкил этилган «Алишер Навоий ижоди ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференцияда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ифодасини топти. Шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан, шунингдек, Навоий асарларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, айниқса, инсон камолоти ҳақидаги ҳаётбахш ғояларини халқаро миқёсда кенгроқ тарғиб этиш, улардан ёшлар маънавиятини юксалтиришда унумли фойдаланиш мақсадида ўтказилган конференцияда қатор мамлакатлардан навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шoirлар иштирок этди.

Конференция иштирокчилари дастлаб пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси билан бундан йигирма йил муқаддам бунёд этилган улуғ шoir ҳайкали пойига гул қўйдилар. Бу улуғвор мажмуа беш ярим аср муқаддам инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, қаноат, адолат, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчаларни улуглаб, риё, эътиқодсизлик, кибр, ҳасад каби инсон маънавиятига ҳаммиша соя солиб келган иллатларни кескин танқид қилиб, инсоннинг бу оламдаги ўрни ва вазифаларини юксак бадий талқин этган буюк мутафаккирга бугунги авлодларнинг эҳтиром ва миннатдорлиги рамзидир.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президен-

т ўқитувчи ва мураббийлари иштирокида маданий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган «Устозлар изидан» номи тадбир Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, рес-

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишлаб Ўзбекистон халқ таълими ходимлари касабаси уюмчаси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда халқ таълими муассасалари

(Давоми.)

Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида шоирнинг боқий меросини чуқур ўрганиши ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Навоийнинг 20 жилдик мукаммал асарлар тўплами нашр этилди, улар таълимнинг барча бўғинларида ўрганилмоқда. Ҳуртиямиз вилоятларида биригина, мамлакатимизнинг асосий кутубхонасига, театрлар, олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот масканига, қатор кўчалар ва хийбонларга улуг бобомизнинг номи берилган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида буюк шоирнинг 10 жилдик тўла асарлар тўплами чоп этилди.

Айни вақтда кўплаб хориж мамлакатларида шоир асарлари турли тилларда нашр этилмоқда, баъдий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Токио, Москва, Боку шаҳарларида Навоий бобомизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлаб турилди.

Алишер Навоий асарлари халқларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик ва ҳамкорлик узок тарихий асосларга эга эканлигини англатади, — дейди озарбайжонлик навоийшунос олима, профессор Нушабе хоним Орасли. — Улуг шоир Низомий достонларига алоҳида ҳурмат билан қарагани боис «Маъжолис ун-нафоис» асарига озарбайжон шоирлари ижодиغا муносиб ўрин берган. Машҳур озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий Навоийни ўзининг устози деб билган. Алишер Навоий озарбайжон адабиёти ривожига ҳам қатта таъсир қўлган. Ҳозир ҳам кўплаб озарбайжонлик шоирлар ўзларини ҳазрат Навоий яратган улкан баъдий мактаб ўқувчиси ҳисоблашади.

Филология фанлари доктори, профессор Олмос хоним Улвийнинг таъкидлашича, 1902 йили Богчасаройда «Мухо-камат ул-луғатайн» асари озар тилида нашр этилган. Умуман, ўтган асрда Алишер Навоийнинг ўнлаб асарлари озарбайжон тилига таржима қилиниб, кенг қўламда тадқиқотлар олиб борилган, кўплаб монографиялар, илмий асарлар яратилган. Бундай хайрли ишлар ҳозир ҳам изчил давом этмоқда.

Алишер Навоий газаллари, достонлари Хитойда ҳам севиб ўқилади. Хусу-

сан, 1991 йили «Хамса» асари Чин юртида нашр этилган.

Конференцияда Алишер Навоийнинг қомил инсон ҳақидаги тасаввур ва қарашлари, бу борада илгари сурган ғоялари, уларнинг турли фалсафий йўналишлар, хусусан, антик маданият билан муштараклиги, «Хамса» достонлари, «Фузули арбаа», «Назм ул-жавоҳир», «Девони Фоний» асарларига доир тадқиқотлар, шунингдек, Германияда навоийшунослик тарихига доир маърузалар тингланди.

— Алишер Навоий ижоди ва антик фалсафанинг етуқ намояндаси Платон таълимоти ўртасида баъдий-фалсафий муштараклик бор, — дейди Ўзбекистон

саний, адабий-эстетик ва диний дунёқарашини, инсон тўғрисидаги фалсафий концепцияси, асарларидаги ҳуқуқий тушунарлар талқини, илмий меросининг хорижий мамлакатларда ўрганилишига доир маърузалар буюк бобомизнинг бе-назир тафаккур соҳибига бўлганининг яна бир ифодасидир.

— XVIII-XIX асрларда француз ва инглиз шарқшунослари Навоийнинг баъзи асарларини таржима қилиб, ундаги инсонпарварлик ғояларини чуқур ўрганган, Европа, АҚШ ва Канадада нашр этилган кўплаб илмий-адабий асарларда улуг шоирнинг фан-маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси қайд этилган, — дейди Ўзбекистон Миллий университети-

ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ МАНГУ БУЛОҒИ

Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабий институтини етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Сувон Мелиев. — Бу, айниқса, «идеялар» адабиёти, инсон рўҳининг макон ва вақтга боғлиқ эмаслиги ҳақидаги қарашларда яққол намоён бўлади. Бу эса Алишер Навоий ижоди қилб-моҳияти билан умумбашарий микдосга эга эканлигининг яна бир далилидир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий-ўқув маркази доценти Ровияжон Абдуллаеванинг таъкидлашича, Алишер Навоий асарлари XV-XVI асрлардаёқ Гарбий Европада маълум бўлган. Жумладан, бунинг таъсирида немис олимми Хаммер Пургшталл 1806 йили «Шири» асарини яратган. 1818 йилда ёзган «Навоийга оид битиклар» асарига Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига эътибор қаратган. Бугун Германияда навоийшуносликнинг мазмун-мундарижаси кўлами янада кенгаймоқда. 2001 йили Навоий ижодига бағишлаб ўтказилган Берлин симпозиумида бу борадаги тадқиқотлар таҳлил этилган.

Анжуманда Алишер Навоийнинг илмий меросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Навоийнинг ижтимоий-фал-

ти профессори Абдузукор Абдуазизов. — Америкалик мударрим Е. Фицджералд 1899 йилда Бостон шаҳрида Навоийнинг «Лисон ул-тайр» асарини таржима қилиб нашр эттирган. Хорижлик олимлар «Мухокамат ул-луғатайн» асарини «қиёсий тилшуносликнинг мумтоз намунаси» деб баҳолайдилар. Буюк шоир бобомизнинг асарлари жаҳондаги кўпгина тилларда жаранглаётгани кўнглимизда фахр-ифтихор уйғотади.

Инсон борки, тили, миллати ва динидан қатъи назар, ҳаётдаги ўз ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги саволларга жавоб ахтарида. Ҳазрат Навоий ижоди — бу борада мангу маънавий булақдир. Шоир ҳикматларида олам ўзгариши учун, аввало, одам, унинг қалби, мезонлари ва дунёқарашини ўзгариши лозимлиги инкор қилиб бўлмайдиган фикрлар билан исботлаб берилган.

Ўз вужудинга тафаккур айлағил, ҳар не истарсан, ўзиндан истағил.
«Эл негитбоғайи мениким, мен ўзимни топмамон», деган улуг бобомиз эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало, одамнинг ўз борлигидаги «ирсу хавас хирмони»ни барбод, «нафсу хаво қасирини» бирафтод этиши (ағдариши) лозимлигини ўқтиради. Бу ҳикमत қандай

давр ва жойда қайси тилда янграма-син, ҳамиша инсонга эзгу фикр ва амаллар асл саодат эканини англатади.

Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси, Президентимиз Исломо Каримов таъкидлаганидек, бизнинг онгу шуурумиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебахо меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик қўл бўлганлигимизга, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни қомол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Конференцияда кенг муҳокама этилган яна бир мавзу улуг бобомизнинг тилшунослик ва санъатга оид асарлари тадқиқи бўлди. Алишер Навоий асарлари тили, уларга тузилган луғатлар, улуг шоирнинг она тилимиз ривожига қўшган ҳиссаси, музикий-эстетик қарашлари ҳақидаги маърузаларда таъкидланганидек, буюк бобомиз инсон қалбининг қувонч ва изтиробларини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини тилимизнинг бетақрор нафосати ва фасоҳати билан тасаввур ва тафаккурнинг энг юксак мақомида ифодалаган.

Буюк мутафаккир тилимизнинг ривожланиш йўлларини таҳлил қилиб, Ўзбек тилининг ижоддаги беқиёс аҳамиятини кўрсатиб берган. Энг муҳими, улуг бобомизнинг «инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин» деган ҳикмати инсонда нуқт одоби, сўзга соҳиблик, нуқт ва мулоқотда ўз ўрнини билиш каби фазилатларни шакллантиришга хизमत қилади.

Мазкур халқаро анжуман буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг ижодий ва маънавий меросига оид тадқиқотлар таҳлили асосида буюк ва муқаддас Ватанимиз дунё цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, умумбашарий тасаввур ва тафаккур ривожига Ўзбек халқининг салмоқли ҳиссаси борлигини яна бир бор намоёийш этди.

Конференция доирасида Ўзбекистон давлат консерваториясида Алишер Навоий шеърлари билан айтилган куй-қўшиқлардан иборат катта концерт намоёийш этилди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Хорижий нашрларда

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЛАМЛАРИ «DIPLOMAT» ЖУРНАЛИ НИГОҲИДА

Буюк Британияда нашр этиладиган «Diplomat» журналининг сентябрь ойи сониди Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик юбилейи мавзусига бағишланган «Тараққиётнинг 20 йили» сарлавҳали мақоласи ўқиб қилинди.

Унда Президент Исломо Каримов раҳбарлиги остида Ўзбекистонда эришилган тараққиёт ҳамманинг кўз ўнгида рўй бергани ҳолда бутун дунё миқёсида ўз этирофини топгани атрофлича қаламга олинган.

Мақолада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаоллиги, мамлакатимизнинг ҳинда ва унинг ташқарисида барқарорлик ҳамда ҳавфсизликнинг таъминланишига ижобий таъсир кўрсатиши, Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсда илгари сурган муҳим ташаббусларига алоҳида ўрин берилган.

«Республика ўзининг сиёсий барқарорлиги, ўсувчан иқтисодий ва ҳамкорликка очик мамлакат эканлиги билан ном қозонди, деб ёзади муаллиф. Нобх таърихий меросга эга бўлган Ўзбекистон Шарқ ва Фарб ўртасидаги маданият ва иқтисодий кўприк ҳисобланади».

Ички ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида тўхталар экан, муаллиф собиқ шўролар тузуми давридан оғир мерос қолганига қарамадан, республика ўзининг ривожланиш моделини ҳаётга татбиқ этгани ҳолда бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишни таъминлашга муваффақ бўлгани алоҳида таъкидланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломо Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янгида чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Ўзбекистон янада ривожлантиришнинг устуворликлари белгилаб берилгани ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларнинг тасдиғи сифатида мамлакатимизда эришилган юқори иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, мустақил ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,4 бараварга ўсгани, ўртача ойлик иш ҳақи — 14 баробар, аҳолининг умумий даромадлари ҳажми тақрибан 9 бараварга кўпайгани қаламга олинган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам атрофлича ёритилган. Хусусан, хорижий мамлакатлар билан савдо айланмалари ҳажмининг кескин ошгани, савдо тизимининг тубдан ўзгаргани ва бунинг шарофати билан Ўзбекистон хомашё экспорт қиладиган мамлакатдан тайёр маҳсулот етказиб берувчига айлангани мавзусига алоҳида урғу берилган.

Журналхонлар эътиборини республикамизнинг сарможий эҳтиётига қаратган экан, муаллиф хориж сарможиси иштирокида барпо этилган 4200 та кўша корхонага юз миллиард доллар миқдоридида чет эл сарможиси жалб этилганини қайд этади. Мақолада асосий шериклар орасида АҚШ, Германия, Россия, Хитой, Корея ва Япония компаниялари мавжуд экани таъкидланади. Шу ўринда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди (СИЭЗ) ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси имкониятлари ҳақида ҳам атрофлича ҳикоя қилинади.

Маълумки, ватанпарварлик туйғуси билан йўғрилган, порлоқ келажак ҳақида астойдил жон куйдирадиган ҳамда мамлакатнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшадиган янги авлод тарбияси масаласи Ўзбекистон сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан эришилган кенг қўламли муваффақиятлар, турли соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, хусусан, Тошкентда 6 та етакчи хорижий университетларнинг бўлинмалари самарали фаолият кўрсатаётгани тўғрисидаги атрофлича маълумотлар ҳам мақолада ўз аксини топган.

Шунингдек, муаллиф ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун», «Қамолот», «Устоз» ва «Истеъдод» жамғармалари томонидан кўрсатилаётган амалий саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини кўп сонли журналхонлар билан ўртоқлашган.

«Жаҳон» АА
Лондон

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Шайхонтоҳур туман филиали туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури бажарилиши юзасидан туманда амалга оширилаётган ишларга бағишланган «Аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим ўрни» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

МАҚСАДГА ЯРАША НАТИЖА КУТИЛМОҚДА

Тадбирда туман прокуратураси, туманда фаолият кўрсатаётган банклар, «Маҳалла» жамғармаси ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашди. Амалий-семинар дастурида кўзда тутилган барча масалалар юзасидан сўзга чиққанлар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида қайд қилинган Давлат дастурининг бажарилишида назорат қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатлари, амалий ишлари ҳал қилувчи роль ўйнашини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, юртимиз иқтисодиёти раванқини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси салмоқли. Шу боис ҳам мазкур соҳани ривожлантириш, рағбатлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлатимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Семинарнинг кириш сўзи билан оқинган туман прокурори Баҳодир Пулатов жумладан, Давлат дастурини бажариш доирасида текширишларни камайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан назоратни ташкил этиш тизимини соддалаштириш, давлат хариди тизимини оптимallasштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлар ажратилишини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатида олиш тартибини янада соддалаштириш, ер участкаларига янги ташкил этилаётган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш, улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун айрим давлат боғжлари ставкаларини камайтиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазиравал Маҳаммасининг ўн иккита қарори қабул қилинганлигини айтиб ўтди.

Савдо-саноат палатаси туман филиали раҳбари Шаҳобиддин Асомов таъкидлаганидек, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги таъминланмоқда. Ҳозирда тадбиркорлик шакл-шубҳасиз иқтисодиётимиз ривожига ҳал қилувчи погонани эгаллаб келмоқда. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўладини, барча соҳаларда унинг ўрни салмоқли бўлиб бормоқда. Тадбиркорлик ҳаракатида бундай сезиларли натижаларга эришибди, унинг изчил ва томондорчилик тўқлиқларини ривож топишида, авваламбор мустақам қонунчилик — ҳуқуқий негиз асосий мезон сифатида хизмат қилиши шубҳасиз. Шу ўринда айтиш жоизки, Давлат дастурининг аҳимияти ва амалий муҳимиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтиришимиз даркор. Яна бир муҳим масала, сўнгги йилларда ҳўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фозидан 2011 йилдан бошлаб 6 фозига туширилиши, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган яна бир имтиёз бўлди.

— Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганларидек, — дейди туман Ипотека-банк раҳбари Абдуваҳоб Қуюмов, — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақам таянчи бўлиши шарт. Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, авваламбор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва қўлам бўлишига ва барчамизга аянчан шу мақсад йўлида куч-ғайрат ва янги-янги оммадор тилаганларига юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси эканлигини эътироф этди. Хусусан, ислохотлар оқидами молия-банк тизими ишончли, барқарор, самарали эканлиги исботланди. Ушбу тизим барқарорлиги авваламбор мустақам қонунчилик — ҳуқуқий негиз шаклланиши боис таъминланмоқда. Республикада тижорат банклари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажминини икки бараварга ошириш белгилангани ҳам мақсадга яраша натижа бўлишига далил бўла олади.

Савол-жавоблар, очик мулоқот тарзида ўтказилган семинарда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида тавсиялар берилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Кўргазмада Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасининг етакчи корхоналари, шунингдек, софтомасулотлар (дастурий таъминот) ишлаб чиқарувчи компаниялар, провайдерлар, «Huawei Technologies», «Nokia-Siemens», «ZTE Corporation», «Uzbektelecom», «East Telecom», «Sarkor Telecom», «Ucell», «MTC-Uzbekistan», «Unitech», «Teleset Alfa», «UCD Micros», «Agata Impex» каби компаниялар, телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчилар, вазирилик ва идоралар вакиллари ўзларининг қизиқарли стендлари ва бўлимларини ташкил этган.

Кўргазмада, айниқса, мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг етакчисига ҳисобланган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси павильонини кўпчиликка қатта қизиқиш уйғотмоқда. Компания замонавий телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда овозли алоқа, маълумотлар ва телерадиоэшиттириш дастурларини узатиш хизматлари, видеоконференц-алоқа, интернетдан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб хизмат турларини тақлиф этмоқда. «CDMA-450» стандартига асосланган мобиль алоқани жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда. Маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллион рақамни ўз ичига олган икки мингдан зиёд АТС мавжуд. Уларнинг 93,9 фозини рақамли АТСлар ташкил қилади. Компаниянинг транспорт тармоғи кўп даражали бошқарув тармоқининг ўзини ўзи текшириш ва қайта тиклаш тизимининг янги SDH тармоқ технологияларида фойдаланган ҳолда оптик-тола ва радиореле алоқа линиялари негизда ташкил этилган.

Кўргазмада «Cisco», «D-Kink», «Zuxel», «Paton» каби дунёга машҳур ишлаб чиқарувчи фирмалар ускуналари базасида маълумотлар узатиш тармоғининг мамлакатимиздаги етакчи операторларидан бири «Sharq Telekom» компанияси ҳам рақамли илғор технологияларни қўллаган ҳолда турли хизматларни, яъни интернет тармоғидан юқори тезлик билан фойдаланиш, телефония, маълумотлар узатиш тармоғи, қарточкали платформа, «Wi-Fi» технологияси (интернетдан симсиз фойдаланиш) ва бошқа хизматларни ўз ичига олган 15 турдаги хизматни тақлиф этмоқда. «Sharq Telekom» компанияси бош директорининг ўринбосари А.Султоновнинг айтишича, компания кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида жисмоний шахслар учун янги — жаҳон ахборот тармоғидан янги «ADSL» технологияси бўйича фойдаланиш хизматини жорий қилган. Бу хизмат аҳоли учун ҳам қўлай, негача у юқори тезлик билан ишлайдиган мавжуд телефон линияси бўйича кўрсатилади ва бу жараёнда телефон банд бўлмайди.



Хитойнинг «ZTE Corporation» корпорацияси телекоммуникация ускуналари тизимларини етказиб берувчи йirik корхоналардан. У Ўзбекистон бозорига бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Корпорациянинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Юй Хункай мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиётгани алоҳида таъкидлади. «ZTE Corporation» Ўзбекистон корхона ва ташкилотларига кенг турдаги юқори ўтказувчи радиорелели тизимлар, кенг полосоли мобиль технологиялар, мультимедия видеокузатув тизимлари, мобиль телефонлар ва терминалларни тақлиф этмоқда. Мамлакатимиздаги «Ucell», «Beeline», «MTC», «UzMobile» каби етакчи мобиль операторлари билан самарали амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, уларга терминал маҳсулотлари — usb-модемлар, мобиль телефонлар, рутерлар, смартфонлар, шунингдек, CDMA стандартида ишловчи мобиль алоқа операторлари учун ускуналар етказиб берилди.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб таълим сўминларлари, давра суҳбатлари, шунингдек, кўнрақтар тадбирлар ўрин олган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда интернет-провайдернинг ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, олий ўқув юртилари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида «Ўзқўргазмасавдо»нинг асосий павильонида компьютер ўйинлари бўйича «iCt-students» компьютер спорт турнирида «Uzbekistan Cyber Games - 2011» Ўзбекистон чемпионатининг финал ўйинлари ўтказилди.

Намоийш этилаётган кўргазма кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда ахборот ҳамжамиятини шакллантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш имконини беради. Шубҳасиз, «ICTExpo - 2011» мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш, мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустақам амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ЖУРНАЛ "ЖЕЛПАС" ДАСТУРЛАРИ

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким» 7.05 ТВ - анонс.

«Спорт»

6.00 «Хайри тоғ!» 6.05 «Саломат бўлинг!» 6.10 «Спорт - менинг ҳаётим» 6.55 «Жасур болалар»

НТВ

03:55 Информационный канал «НТВ утром» 06:30 Детективный сериал «Эра Стрельца»

«Шар»

15:55 «Анонс» 16:00 Тошкент тароналари 16:25 «Дорна ва ҳақиқат»

«Тошкент»

06:00 Кўрсатувлар тартиби. 06:05 «Истиқом» 06:25 «Саломат бўлинг!»

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро» 08:00 Новости 08:05 Телеканал «Доброе утро»

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри» 06:10 «Мультианорама» 07:20 «Арслон ва ҳақиқат»

«Ўзбекистон»

14.00 «Анонс» 14.05 «Саломат бўлинг!» 14.10 «Спорт - менинг ҳаётим»

НТВ

03:55 Информационный канал «НТВ утром» 06:30 Детективный сериал «Эра Стрельца»

«Шар»

15:55 «Анонс» 16:00 Тошкент тароналари 16:25 «Дорна ва ҳақиқат»

«Тошкент»

06:00 Кўрсатувлар тартиби. 06:05 «Истиқом» 06:25 «Саломат бўлинг!»

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро» 08:00 Новости 08:05 Телеканал «Доброе утро»

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри» 06:10 «Мультианорама» 07:20 «Арслон ва ҳақиқат»

СЕШАНБА, 4

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким»

НТВ

03:55 Информационный канал «НТВ утром» 06:30 Детективный сериал «Эра Стрельца»

«Шар»

15:55 «Анонс» 16:00 Тошкент тароналари 16:25 «Дорна ва ҳақиқат»

«Тошкент»

06:00 Кўрсатувлар тартиби. 06:05 «Истиқом» 06:25 «Саломат бўлинг!»

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро» 08:00 Новости 08:05 Телеканал «Доброе утро»

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри» 06:10 «Мультианорама» 07:20 «Арслон ва ҳақиқат»

ЧОРШАНБА, 5

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким»

НТВ

03:55 Информационный канал «НТВ утром» 06:30 Детективный сериал «Эра Стрельца»

«Шар»

15:55 «Анонс» 16:00 Тошкент тароналари 16:25 «Дорна ва ҳақиқат»

«Тошкент»

06:00 Кўрсатувлар тартиби. 06:05 «Истиқом» 06:25 «Саломат бўлинг!»

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро» 08:00 Новости 08:05 Телеканал «Доброе утро»

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри» 06:10 «Мультианорама» 07:20 «Арслон ва ҳақиқат»

ПАЙШАНБА, 6

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким»

НТВ

03:55 Информационный канал «НТВ утром» 06:30 Детективный сериал «Эра Стрельца»

«Шар»

15:55 «Анонс» 16:00 Тошкент тароналари 16:25 «Дорна ва ҳақиқат»

«Тошкент»

06:00 Кўрсатувлар тартиби. 06:05 «Истиқом» 06:25 «Саломат бўлинг!»

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро» 08:00 Новости 08:05 Телеканал «Доброе утро»

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри» 06:10 «Мультианорама» 07:20 «Арслон ва ҳақиқат»

ЖАҒАТЛИК АҒАЖАТЛАР

Давоми. Боши 3-бетда.

10:00 «Йўлхат хабарлари» инфор- мация блок

9:35 «Кўрсаткичнинг саргузаштлари». М/с.

«Спорт»

15:00 Вести. 15:30 Местное время. Вести-Москва.

22:00 «Давр». 22:30 «Ихтидор». Б/ф.

06:35 «Форум вақти». 06:45 Ешлар студияси «Келажак билан

1:30 ТВ - анос. 1:35 - 2:30 «Манавайят» дастури.

ntf

Первый канал

04:00 Телеканал «Доброе утро».

04:00 Телеканал «Доброе утро».

ntf

06:00 Мумтоз наволар

22:00 «Давр». 22:30 «Ихтидор». Б/ф.

06:35 «Форум вақти». 06:45 Ешлар студияси «Келажак билан

1:30 ТВ - анос. 1:35 - 2:30 «Манавайят» дастури.

ntf

Россия

04:00 «Доброе утро».

04:00 Телеканал «Доброе утро».

ntf

06:00 Мумтоз наволар

22:00 «Давр». 22:30 «Ихтидор». Б/ф.

06:35 «Форум вақти». 06:45 Ешлар студияси «Келажак билан

1:30 ТВ - анос. 1:35 - 2:30 «Манавайят» дастури.

ntf

ntf

06:00 Мумтоз наволар

06:00 Мумтоз наволар

ntf

06:00 Мумтоз наволар

22:00 «Давр». 22:30 «Ихтидор». Б/ф.

06:35 «Форум вақти». 06:45 Ешлар студияси «Келажак билан

1:30 ТВ - анос. 1:35 - 2:30 «Манавайят» дастури.

ntf

ntf

06:00 Мумтоз наволар

06:00 Мумтоз наволар

ntf

06:00 Мумтоз наволар

22:00 «Давр». 22:30 «Ихтидор». Б/ф.

06:35 «Форум вақти». 06:45 Ешлар студияси «Келажак билан

1:30 ТВ - анос. 1:35 - 2:30 «Манавайят» дастури.

ntf

ХУРМАТЛИК ҲАМШАҲАРЛАРИ! Барчамиз истеъмолици сифатида хонадонларимизга

ШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатув дастури. 6:00 «Ўзбекистон».

«Спорт»

6:00 «Хайри тонг!», 6:05 АНОНС.

«Ёшлар»

06:00 «Ватан меҳри», 06:05 «Мультанорама».

Россия

04:00 «Утро России», 04:05 «Муслимлар».

ЯКШАНБА, 9

«Ўзбекистон»

5:55 Кўрсатув дастури. 6:00 «Ўзбекистон».

«Спорт»

6:00 «Хайри тонг!», 6:05 АНОНС.

Россия

04:00 «Утро России», 04:05 «Муслимлар».

Ташкент шаҳрида 30 сентябрь кuni ҳаво бироз ўзаериб туради, ёни- гарчилик кузатилади.

Бош мухаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.